

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДМОНОВ ҒОЛИБ ДЎСТМУРОДОВИЧ

**ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ЭКИШ УЧУН ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ
УСУЛИ ВА АГРЕГАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари.
Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш**

**диссертация химоясиз ихтиро патенти асосида
фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

**Диссертация химоясисиз ихтиро патенти асосида фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини бериш бўйича такдимнома мундарижаси**

**Представление по присвоению научной степени доктора философии
(PhD) по техническим наукам на основе патента изобретения без
диссертационной защиты**

**Representation on awarding the scientific degree of Doctor of Philosophy
(PhD) in technical sciences based on the patent of the invention without
dissertation defense**

Шодмонов Голиб Дўстмуродович

Полиз экинлари экиш учун тупроққа ишлов бериш усули ва агрегатини
ишлаб чиқиш..... 3

Шодмонов Голиб Дустмуродович

Разработка способа обработки почвы и агрегата для посева бахчевых
культур..... 17

Shodmonov Golib Dustmurodovich

Development of a method of soil treatment and a unit for sowing melons 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 35

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДМОНОВ ҒОЛИБ ДЎСТМУРОДОВИЧ

**ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ЭКИШ УЧУН ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ
УСУЛИ ВА АГРЕГАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари.
Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш**

**диссертация химоясиз ихтиро патенти асосида
фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

ҚАРШИ – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T481 рақами билан рўйхатга олинган.

Илмий-тадқиқот иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Илмий-тадқиқот тақдимномаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.qmii.uz ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Фармон Муртозевич
техника фанлари доктори, профессор

Илмий-тадқиқот тақдимномаси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «8» ИЮЛЬ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 225-уй. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Илмий-тадқиқот тақдимномаси билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 225-уй. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Илмий-тадқиқот тақдимномаси 2021 йил «26» ИЮНЬ куни тарқатилди.
(2021 йил «26» 06 даги № 6 рақамли реестр баённомаси).



И.Т.Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

Д.Ш.Чуянов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

Илмий-тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тупроқни экишга тайёрлаш ва экиш ишларида энергия-ресурстежамкор ҳамда иш унуми юқори бўлган машиналарини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида полиз экинлари 130 дан ортиқ мамлакатларда етиштирилиши ва экиладиган майдон 3,5 млн. гектарни ташкил этишини ҳисобга олсак»¹, иш сифати ва унуми юқори ҳамда ёнилғи сарфи кам бўлган тупроққа ишлов бериш ва экишни амалга оширадиган машина ва қуролларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан бир йўла тупроққа ишлов бериш, ўғит солиш, суғориш ариғини шакллантириш ва экиш технологик жараёнларини бажарадиган комбинациялаштирилган агрегатларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва улардан полиз экинлари экишда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ерларни экишга тайёрлашнинг ресурстежамкор усуллари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тупроққа минимал ишлов бериш ва экиш усуллари такомиллаштириш, полизчиликда тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган машиналарнинг конструкцияси ва параметрларини асослаш, тупроқни экишга тайёрлаш ва суғориш ариғини шакллантириш билан бирга ўғит солиб, полиз экинлари уруғини экиш усулини ишлаб чиқиш, уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатни яратиш, унинг технологик иш жараёни ва параметрларини асослашга аълоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда полиз маҳсулотлари етиштиришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, ерларни илғор технологиялар асосида экишга тайёрлаш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш, далаларни полиз экинлари экишга тайёрлаш ва уруғ экишда кам меҳнат ва ресурс сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техника воситаларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу

¹ Литвинов С.С., Быковский Ю.А. Бахчеводство: стратегия и перспективы развития // Картофель и овощи. – Москва, 2013. -№4.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

вазифаларни бажаришда, жумладан полиз экинлари экиш учун тупрокни экишга тайёрлаш жараёнида, бир йўла полиз экинлари экиладиган зона тупроғига белгиланган чуқурлик ва кенгликда ишлов бериш ва суғориш ариғини шакллантириш билан бирга ўғит солиб, уруғларни белгиланган чуқурликка кафолатли экишни таъминлайдиган комбинациялаштирилган агрегатни яратишнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш, ишчи қисмларининг юқори иш сифати ва ресурстежамкорликни таъминлайдиган параметрларини асослаш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Хорижда тупроққа минимал ишлов бериш ва экиш усуллари такомиллаштириш, бир ўтишда тупроққа ишлов бериш ва экишни амалга оширадиган машина ва қуролларни яратиш ва уларнинг ишчи органларини конструкциялари ва параметрларини асослаш бўйича Г.Е.Листопад, А.Н.Гудков, А.Ф.Ульянов, И.С.Егоров, В.А.Федоров, Б.Н.Емелин, Л.Н.Чабан, С.С.Литвинов, Р.Д.Овезов, П.Н. Бурченко, А.А.Вилде, Х.С.Гайнанов, полизчиликда тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган машиналарнинг конструкцияси ва параметрларини асослаш бўйича В.Г.Абезин, Н.В.Алдошин, М.Ф.Степура, В.И.Малюков, Н.Е.Руденко, С.Д.Стрекалов, О.Н.Терехов, ариқочгичлар ва ўғит солгичларнинг конструкцияси ва параметрларини асослаш йўналишида Б.П.Луценко, Е.Ю.Раков, В.В.Чаленко, М.Н.Шапров, В.П.Бороменский, В.Н.Белоконь ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамиз шароитида тупроққа минимал ишлов бериш усуллари ва комбинациялашган машиналарни яратиш ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишида Р.И.Бойметов, А.Тўхтақўзиев, Т.С.Худойбердиев, И.Т.Эргашев, Б.М.Худояров, А.Н.Худояров, У.Х.Қодиров, С.Ж.Тоштемиров, полизчиликда тупроққа ишлов бериш усуллари ва агрегатларини ишлаб чиқиш, уларнинг технологик иш жараёнлари ва параметрларини асослаш бўйича Ф.М.Маматов, А.Д.Эм, В.Н. Жуков, Д.Ш.Чуянов, Х.А.Файзуллаев, Б.К.Утепбергенов ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида экин майдонларини полиз экинлари экишга тайёрлаш, ўғит солиш, суғориш ариғини шакллантириш ва экиш жараёнларини амалга оширадиган турли-туман машиналар, ишчи қисмлар ишлаб чиқилган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, мазкур тадқиқот ишларида бир йўла белгиланган кенгликда ва чуқурликда тупроққа ишлов бериш, ўғит солиш, суғориш ариғини шакллантириш ва полиз экинлари уруғини экиш жараёнларига асосланган усул ва уни бажарадиган агрегатни ишлаб чиқиш ҳамда ишчи қисмларининг параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий-тадқиқот иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг От-Атех-2019-192 рақамли «Полиз экинлари етиштириш учун энергия тежайдиган технология ва комбинациялашган техник воситани ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғалладан бўшаган далаларда полиз экинлари экиш учун тупроқни экишга тайёрлаш ва экишнинг энергия-ресурстежамкор усули ва уни амалга оширадиган агрегатни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғалладан бўшаган далалар тупроғининг унга ишлов бериш технологик жараёнига таъсир этувчи физик-механик ҳамда технологик хоссаларини аниқлаш;

ғалладан бўшаган далаларда полиз экинлари экиш учун бир йўла қаторлар ораси юзасини саёз юмшатиш, экиш ҳудуди юза қисмини ўнг ва чапга юмшатишган юза устига ағдариш, чуқур юмшатиш билан бирга локал ўғит солиш ва суғориш ариғини очиш ҳамда уруғ экиш технологик жараёнларидан ташкил топган усулни ишлаб чиқиш;

бир ўтишда тупроқни саёз юмшатиш, экиш ҳудуди юза қисмини ўнг ва чапга ағдариш, чуқур юмшатиш билан бирга ўғит солиш ва суғориш ариғини очиш ҳамда полиз экинлари уруғини экишни амалга оширадиган агрегатнинг конструкциясини ишлаб чиқиш ва иш органларининг параметрларини асослаш;

энергия ва ресурстежамкорликни таъминлаб тупроқни экишга тайёрлайдиган ва полиз экинлари уруғини экадиган агрегатни яратиш;

агрегатнинг дала синовлари натижаларининг белгиланган агротехника талаблари кўрсаткичларига мослигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида полиз экинлари экиладиган дала тупроғининг физик-механик хоссалари, ғалладан бўшаган далаларда полиз экинлари экиш учун тупроқни тайёрлаш ва экиш усули ҳамда уни амалга оширадиган агрегат олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғалладан бўшаган далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш технологик жараёни, агрегат иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнлари ва уларнинг параметрлари,

агрегатнинг энергетик ва сифат кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш усуллари ҳамда мавжуд меъёрий хужжатлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ғалладан бўшаган далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлашда бир йўла пушта юзасини саёз юмшатиш, экиш ҳудуди юза қисмини юмшатиш билан бирга локал ўғит солиш ва суғориш ариғини очиш ҳамда уруғ экиш технологик жараёнларини ўз ичига олган янги усул яратилган;

далаларга ишлов бериш ва полиз экинларини экиш усулини амалга оширадиган янги агрегатнинг конструкцияси ва унинг ишчи органларини рамада ўзаро жойлашиши бир йўла пушта юзасини саёз юмшатиш, экиш ҳудуди юза қисмини ўнг ва чапга юмшатиш билан бирга локал ўғит солиш ва суғориш ариғини очиш ҳамда уруғ экиш технологик жараёнларини бажарилиши таъминланган ҳолда асосланган;

ғалладан бўшаган далаларни полиз экинларини экиш учун сифатли ва қисқа муддатларда тайёрлашда ўнг ва чап томонга ағдарувчи корпуслар, текискескичлар, ариқ ҳосил қилгич билан жиҳозланган чуқурюмшаткич ва ўғит бериш сошниги ҳамда экиш қурилмасидан ташкил топган янги агрегат яратилган;

агрегат ишчи қисмларининг энергиятежамкорлигини ва пуштада майин тупроқли қатлам ҳосил қилишини ҳамда уруғларни бир текис экилишини таъминлайдиган параметрлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғалладан бўшаган далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш ва экишнинг энергия-ресурстежамкор тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган усули яратилган;

бир ўтишда тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлайдиган ва уруғ экадиган комбинациялашган агрегат яратилган;

ишлаб чиқилган агрегат қўлланилганда ғалладан бўшаган далаларни қисқа муддатда экишга тайёрлаб ва экиб, энергия-ресурс сарфларини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, олиб борилган тадқиқотлар ишлаб чиқилган агрегат дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғалладан бўшаган далаларни полиз экинлари экиш учун кам энергия сарфлаб сифатли ишлов берилишини ва уруғ экилишини таъминлайдиган янги агрегатнинг конструкцияси

яратилганлиги ҳамда назарий ва амалий тадқиқотларда олинган натижаларни шунга ўхшаш бошқа машиналар ва иш органларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усул бўйича янги агрегат билан тупроққа агротехника талаблари даражасида сифатли ишлов берилиши ва полиз экинлари уруғи экилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтиришга ва иш унумини оширишга эришилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полиз экинлари экиш учун тупроққа ишлов бериш усули ва агрегатини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

полиз экинлари экиш учун тупроққа ишлов бериш ва экиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Тупроққа ишлов бериш ва экиш усули», № IAP 05360, 2017 й.). Натижада ғалладан бўшаган далаларни полиз экинлари экишга тайёрлаш ва экиш усулини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ғалладан бўшаган далаларни бир ўтишда полиз экинлари экишга тайёрлаш ва экиш учун ишлаб чиқилган агрегат Қашқадарё вилояти Қарши, Қамаш ва Нишон туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 05/032-4661-сон маълумотномаси). Натижада ғалладан бўшаган далаларда тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш ва уруғ экишда ёнилғи сарфи 31,5-46,2 фоизга, меҳнат сарфи 29,0-39,2 фоизга ва фойдаланишдаги харажатлар 30,2-45,3 фоизга камайган;

ишлаб чиқилган агрегатнинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун дастлабки талаблар, техник топшириқ ва лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 05/032-4661-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга агрегатнинг саноат нусхаларини ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. №IAP 05360 ихтиро патенти асосида яратилган ишланма 2014 йилда “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар Республика босқичи танловида ғолиб бўлган ва I даражали диплом билан тақдирланган. Ишланма 2015-2017 йилларда Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари кўргазмасида намойиш этилган. Илмий-тадқиқот ишининг асосий натижалари Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Кенгаши йиғилишида (Қарши, 2021) муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича жами 31 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр

этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога 1 та ва фойдали моделга 3 та патентлари олинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


I. Ўзбекистон Республикасининг “Тупроққа ишлов бериш ва экиш усули” (№ IAP 05360, 2017 й.) ихтирога патенти.

Фойдаланиш соҳаси: қишлоқ хўжалиги.

Вазифаси: тупроққа ишлов беришда энергия ҳажмини камайтириш ва полиз экинлари экиш учун тупроқни тайёрлаш сифатини ошириш.

Ихтиро моҳияти:

Тупроққа ишлов бериш ва экиш усули ағдарилаётган тупроқ қатламларининг ўнг ва чап томонини юза юмшатиш, қатламларни бир-бирига нисбатан ағдаришда уларнинг оғирлик марказларини ағдарилаётган томонга қараб силжитган ҳолда ағдариш, ҳайдалма қатлам остини чуқур юмшатиш, ўғит солиш, экиш ҳудуди тупроғини экишга тайёрлаш, суғориш эгатларини шакллантириш ва экишни ўз ичига олади. Қатламларнинг оғирлик марказини ағдарилаётган томонга силжитган ҳолда уларни бир-биридан ажратиш ва бўлиш учун, улар юза юмшатиладан сўнг ўнг ва чап полосаларга ағдарилади. Қатламлар ағдарилгандан сўнг экиш зонаси полосама-полоса чуқур юмшатилади ва бир пайтнинг ўзида ўғит солиб борилади ва суғориладиган эгатлар шакллантирилади, бунда тупроқ қатламларининг қалинлиги юзаки юмшатиш чуқурлигига тенг бўлади. Бунда қатлам оғирлик марказининг энламасига силжитиш қиймати унинг энининг қийматидан кам бўлмайди (1-расм).



- a* – ишлов беришга қадар даланинг кўндаланг кесими кўриниши;
- б* ва *в* – экиш ҳудуди оралари юза юмшатиладан ва палахсалар ўнг ва чап томонга ағдарилгандан кейинги даланинг кўндаланг кесими профили;
- г* ва *д* – экиладиган қатор оралари чуқур юмшатилиб, ўғит солиниб суғориш ариқлари шакллантирилгандан кейинги даланинг кўндаланг кесими профили;
- е* – уруғ экилгандан кейинги даланинг кўндаланг кесими профили

1-расм. Тупроққа ишлов бериш ва экиш усули


Полиз экинлари такрорий экин сифатида ғалла ўрнида экилганда экиш худудидаги даланинг $a_1=6-10$ см чуқурлигидаги юза қисми палахсаларини ўнг ва чап томонга $a_2=12-16$ см чуқурликда юза юмшатишган полоса устига ағдарилган экиш худудини ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлар уруғидан тозалаш имконини беради. Экиш худуди ва шаклландирган қўшни қатор оралиғига юза ишлов бериш, шу билан бирга ағдаргичли ва ағдаргичсиз тупроққа ишлов беришни бирга олиб бориш, шунингдек тасмалаб тупроқни чуқур юмшатиш билан бир вақтда суғориш ариғини шакллантириш энергия сарфини кескин камайишига олиб келади ва сув ва шамол эрозиясини олдини олади. Муаяйн жойга ўғит бериш минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ва ҳосилдорликни оширади.

Кўзда тутилган усулга асосан агрегат бир ўтишида кенлиги 2,8 м далага ишлов беради. Бунда агрегат экиш худудида чуқурлиги 20-22 см, эни эса 40-45 см бўлган суғориш ариғи шакллантириши ва полиз экинлари уруғини кенлиги 70-90 см бўлган қатор оралиғига экади. Қолган қатор оралиғи тупроғи 8-10 см чуқурликда текискескичлар билан юмшатилади ва бегона ўтлар ўлдирилади.

Уруғни 70 см кенликдаги қатор оралиғига экиш учун экиш худудининг кенлигини аниқлаймиз (2-расм)

$$B_{\text{эx}} = 2b_n = B_M + b_c/2, \quad (1)$$

бу ерда b_c – сошник кенлиги, м; B_M – қатор оралиғи кенлиги, м.




2-расм. Ишлов бериладиган худудларни аниқлашга доир схема

(1) ифода бўйича $B_M = 70$ см ва $b_c = 16$ см бўлганда экиш худудининг кенлиги $B_{\text{эx}} = 86$ см бўлади. Экиш худудига қўш корпус билан ишлов берилди. Унда битта корпуснинг қамраш кенлиги $b_k = b_n = B_{\text{эx}} / 2 = 43$ см. Қабул қиламиз $b_k = 45$ см.

(1) ифода бўйича қўшни ариқлар ораси кенлиги $B_{\text{ао}} = 2,8$ м ва экиш худуди кенлиги $B_{\text{эx}} = 90$ см бўлганда текискескичлар билан ишлов бериладиган йўлакнинг кенлиги $B_1 = 190$ см. $B_{\text{ао}}$ кенликдаги қўшни суғориш ариқлари орасидаги йўлакка агрегатнинг икки марта ўтишида ишлов берилди. У ҳолда агрегатнинг бир марта ўтишида текискескичлар билан ариқлар орасидаги ишлов бериладиган йўлакнинг кенлиги $B_2 = B_1 / 2 = 95$ см

ни ташкил қилади.. Ариқлар орасидаги йўлакка ишлов беришнинг асосий мақсади бегона ўтлар илдизларини қирқиш ва тупроқни 12 см чуқурликгача юмшатиш. Шунинг учун ушбу йўлакка ишлов бериш учун қамраш кенглиги 330 мм текискескич танланди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда агрегатнинг чап ва ўнг томонида ўрнатиладиган текискескичларнинг сони 6 дона.

№ IAP 05360 ихтиро бўйича тупроққа ишлов бериш ва экиш усулини амалга ошириш учун № FAP 01125 фойдали моделга патентлар асосида комбинациялашган агрегат яратилди (2-расм). Комбинациялашган агрегат кўйидаги ишчи органлардан иборат: агрегат симметрия ўқи бўйича жойлашган ўнг ва чап томонга ағдарувчи корпуслар (листер корпуси кўринишида), текискескичлар, ариқ ҳосил қилгичли “параплау” типидagi чуқурюмшаткичлар ва ўғит бериш сошниги. Чуқурюмшаткичдан кейин ғалтак ва экиш қурилмаси ўрнатишган. Ушбу агрегатнинг тупроққа ағдарғичсиз ишлов берадиган ишчи органига фойдали моделга № FAP 00656 патент олинган. Агрегатнинг конструктив схемаси ва умумий кўриниши 3 ва 4-расмларда келтирилган.



- 1 – рама; 2 – осиш қурилмаси; 3 – дисксимон пичоқ; 4 - листер кўринишидаги йўналтирувчи пластинкали қўш корпус; 5 – текискескич; 6 – таянч ғилдирак;
7 – чуқурюмшаткич; 8 – ўғитўтказгич; 9 – ғалтак; 10 – экиш қурилмаси;
11 – йўналтирувчи пластина; 12 - ариқочгич

3-расм. Комбинациялашган агрегатнинг конструктив схемаси

Корпусларнинг қамраш кенглиги уларни пуштанинг ўрта қисмига ишлов бериш нуқтаи назаридан 45 см, қия тутқичли иш органнинг қамраш кенглиги эса 45 см, текискескичларнинг қамраш кенглиги 33 см қабул қилинди. Тадқиқот натижаларига кўра, комбинациялашган агрегат қўшкорпусининг лемеги тумшуғидан олдинги текискескичлар исканаси орасидаги бўйлама масофа 35 см, текискескичлар орасидаги бўйлама масофа 42,3 см ва таянч ғилдирак билан текискескич орасидаги минимал бўйлама масофа 24 см, қия тутқичли ишчи орган исканасидан экиш қурилмасигача бўлган масофа 110 см бўлганда кам энергия сарфлаб далани полиз экинлари экиш учун талаб даражасида сифатли тайёрланади.



4-расм. Комбинациялашган агрегатнинг умумий кўриниши

Чуқурюмшаткич тутқичи қия қисмининг баландлиги H_k

$$H_k = b_k \operatorname{ctg} \psi = \left(\frac{B_{\text{эx}}}{2} - a_{\text{ю}} \operatorname{ctg} \psi - b_u \right) \operatorname{ctg} \psi, \quad (2)$$

бунда b_u – искананинг кенглиги, см; ψ – тупроқни кўндаланг текисликда синиш бурчаги, град; $a_{\text{ю}}$ – чуқурюмшаткичнинг максимал ишлов бериш чуқурлиги, м.

Чуқурюмшаткичда ўрнатилган юмшатгич пластина ишчи юзасининг минимал узунлиги қўйидаги боғлиқликдан аниқланади

$$l = \frac{b_y - b_n - b_{\text{он}}}{\cos \alpha}, \quad (3)$$

бунда b_y – қия тутқич пичоқли устунининг кенглиги, см; b_h – пичоқнинг кенглиги, см; b_{on} – пластина асосининг кенглиги, см; α – юмшатгич пластинанинг устун юзасига нисбатан ўрнатиш бурчаги, град.

$b_{on} = 10$ см, $b_y = 20$ см, $b_h = 4$ см ва $\alpha = 25^\circ$ бўлганда пластина ишчи юзасининг узунлиги $l = 6,62$ см. Қабул қиламиз 7 см.

Олиб борилган назарий тадқиқотлар натижасида чуқурюмшаткичнинг баландлиги H_m ни аниқлаш учун қўйидаги ифода олинди

$$H_m = 1,2\sqrt{a_k^2 + b_k^2} + a_{ю}, \quad (4)$$

бунда a_k ва b_k – мос ҳолда қўшкорпуснинг ишлов бериш чуқурлиги ва қамраш кенглиги, м.

$a_k = 10$ см, $b_k = 45$ см ва $a_{ю} = 30$ см бўлганда $H_m = 85,3$ см. Қабул қиламиз 86 см.

Қия тутқичли ишчи органнинг тортишга қаршилигини аниқлаш учун қўйидаги ифода олинди

$$R_m = (k + \varepsilon V^2)(B_{эx} a_{ю} - H_k^2 ctg \psi + a_{ю}^2 ctg \beta_k), \quad (5)$$

бунда k – тупроқнинг солиштирма қаршилиги, Па; $a_{ю}$ – эгат туби бўйича ишчи органнинг ишлов бериш чуқурлиги, м; V – агрегатнинг тезлиги, м/с; ε – ишчи органнинг параметрларига (геометрик шаклига) ва тупроқ хоссаларига боғлиқ коэффицент, Н·с²/м⁴; b_u – ишчи орган исканаси кенглиги, м; H_k – чуқурюмшаткич тутқичи қия қисмининг баландлиги, м; β_k – ишчи органни кўндаланг тик текисликда қиялик бурчаги, град; $B_{эx}$ – қатор оралиги кенглиги, м.

(5) формулага $\psi = 45^\circ$; $\varepsilon = 10 \cdot 10^2$ Н·с²/м⁴; $k = 33 \cdot 10^3$ Па; $V = 2$ м/с; $a_{ю} = 30$ см; $\beta_k = 45^\circ$; $B_{эx} = 90$ см қўйиб $R_m = 6,29$ кН эканлиги аниқланди.

Ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегатнинг фермер хўжаликларида ўтказилган дала синовларида уруғ экиладиган ҳудуднинг ишлов бериш чуқурлиги 30 см этиб белгиланди, амалда эса унинг ўртача қиймати 30,8 см ни ташкил этди. Агрегат ишлов берган экиш зонасида ўлчами 50 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори ўртача 81,3 фоизни, ишлов берилган дала юзасининг нотекислиги 8,2 см ни ташкил этди. Суғориш ариғи устки қисмининг эни 61,7 см ни, суғориш ариғининг чуқурлиги 25,6 см ни ташкил этди.

Синовлар натижалари ишлаб чиқилган агрегатнинг белгиланган полиз экинлари экиш учун тупроқни экишга тайёрлаш ва уруғ экиш технологик жараёнини ишончли бажариши ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлишини кўрсатди.

Ғалладан бўшаган далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлашда бир йўла пушта юзасини саёз юмшатиш, экиш ҳудуди юза қисмини юмшатиш билан бирга локал ўғит солиш ва суғориш ариғини очиш ҳамда уруғ экиш технологик жараёнларини ўз ичига олган янги усулни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат Қашқадарё вилояти Қарши, Нишон ва Қамаш туманларининг фермер хўжаликлари майдонларида жорий этилди.

Ишлаб чиқилган ғалладан бўшаган далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш билан бирга уруғ экадиган агрегатнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, агрегат қўлланилганда 1 гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатлар 30,2-45,3 фоизга, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи 31,5-46,2 фоизга ва меҳнат сарфи 29,0-39,2 фоизга камаяди.

ХУЛОСА

«Полиз экинлари экиш учун тупроққа ишлов бериш усули ва агрегатини ишлаб чиқиш» илмий-тадқиқот иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Далаларни қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун тупроқни тайёрлашнинг мавжуд усуллари ва техник воситалари ҳамда улар бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили бир ўтишда ғалладан бўшаган далаларни полиз экинлари экишга тайёрлаш ва экиш усули ҳамда уни амалга оширадиган агрегатни ишлаб чиқиш имконини берди.

2. Далаларни полиз экинлари экишга тайёрлаш ва экишнинг янги энергия ресурстежамкор усули экиш зонасидаги тупроқнинг юза қисмини ўнг ва чап томонга ағдариш ва унинг остки қисмини чуқур юмшатиш билан бир вақтда суғориш ариғини шакллантириш, экиш ҳудудининг чап ва ўнг томонларидаги тупроқни саёз юмшатиш ва ўғитларни муайян жойга бериш, экиш қатори бўйича тупроқни экишга тайёрлаш ва полиз экинларининг уруғини экиш имкониятларини яратади. Далаларни полиз экинлари экишга тайёрлаш ва экиш усулига уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатни қўллаб эришиш мумкин.

3. Комбинациялашган агрегатнинг энг мақбул схемаси агрегат симметрия ўқи бўйича жойлашган ўнг ва чап томонга ағдарувчи корпуслар, текискескичлар, ариқ очғич билан жиҳозланган “параплау” типидagi чуқурюмшаткичлар, ўғит бериш сошниклари ва экиш қурилмасидан ташкил топган схема ҳисобланади.

4. Кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида тупроқни экишга тайёрлаш учун қўшкорпусларнинг қамраш кенглиги 86 см, қия тутқичли иш органнинг қамраш кенглиги эса 45 см, текискескичларнинг қамраш кенглиги 33 см бўлиши лозим.

5. Комбинациялашган агрегат корпусининг лемех тумшуғи ва текискескич орасидаги минимал бўйлама масофа 35 см, текискескичлар орасидаги минимал бўйлама масофа 42,3 см ва таянч ғилдирак билан текискескич орасидаги минимал бўйлама масофа 24 см, қия тутқичли ишчи орган исканасидан экиш қурилмасигача бўлган масофа 110 см бўлиши кам энергия сарфлаб далани полиз экинлари экиш учун талаб даражасида сифатли тайёрлаш имконини беради.

6. Ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегатнинг sanoat нусхасини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун дастлабки талаблар, техник топшириқ ва лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар)

«ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилди. Натижада асосланган параметрларга эга комбинациялашган агрегатнинг саноат нусхасини ишлаб чиқариш имкони яратилди.

7. Тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш ва экиш усули ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатни жорий қилиш меҳнат сарфини 29,0-39,2 фоизга, ёнилғи сарфини 31,5-46,2 фоизга ва 1 гектар ерга сарфланадиган эксплуатацион харажатларни эса 30,2-45,3 фоизга камайтириш имконини беради. Умумий иқтисодий самара 2196 млн. сўм.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РъD.03/30.06.2020.Т.111.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШОДМОНОВ ГОЛИБ ДУСТМУРОДОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СПОСОБА ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ И АГРЕГАТА ДЛЯ
ПОСЕВА БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

ПРЕДСТАВЛЕНИЕ

**по присвоению научной степени доктора философии (PhD) по техническим наукам
на основе патента изобретения без диссертационной защиты**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/T481.

Научно-исследовательская работа выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте

Представление научного исследования на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.qmii.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Маматов Фармон Муртозевич
доктор технических наук, профессор

Представление научного исследования состоится «8» июля 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.T.111.02 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г. Карши ул. Мустакилик, 225. Тел.: (+99875) 221-09-23; факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

С представлением научной работы можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (регистрационный номер 8). Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакилик, 225. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Представление научного исследования разослан «26» июня 2021 года.
(Протокол рассылки № 6 от «26» 06 2021 года).



И.Т. Эргашев

Зам. председателя научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Д.Ш. Чуянов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация представления)

Актуальность и востребованность темы научно-исследовательской работы. В мире при подготовке почвы и посеве ведущее место занимает внедрение энерго-ресурсосберегающих, а также высокопроизводительных машин. Если учесть, что «в мире бахчевые культуры возделываются в более 130 государствах и их посевная площадь составляет 3,5 млн. гектаров»¹, то требуется внедрение в практику машин и орудий, осуществляющих качественную обработку почвы и посев с высокой производительностью и минимальным расходом топлива. В этом аспекте особое значение имеет освоение производства комбинированных агрегатов, способных одновременно выполнять технологические процессы обработки почвы, внесение удобрений, формирование поливной борозды и посева, а также использование их при посеве бахчевых культур.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку научно-технических основ ресурсосберегающих способов подготовки почвы к посеву и технических средств для их осуществления. В этом направлении, в частности, особое внимание уделяется совершенствованию минимальной обработки почвы и способов посева, обоснованию конструкции и параметров машин для предпосевной обработки почвы в бахчеводстве, разработке способа подготовки почвы, формированию поливной борозды с одновременным локальным внесением удобрений и посева семян бахчевых культур и созданию агрегата для его осуществления, обоснованию технологических процессов работы и их параметров.

В сельскохозяйственном производстве бахчевой продукции в республике проводятся широкомасштабные мероприятия по уменьшению затрат труда и энергии, сбережению ресурсов, подготовки почвы к посеву на основе передовых технологий, разработке высокопроизводительных сельскохозяйственных машин. В Стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистана 2017-2021 годы предусмотрено дальнейшее развитие сельского хозяйства, в частности, «...для модернизации интенсивного развития сельского хозяйства дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении этих задач в процессе подготовки почвы к посеву бахчевых культур, целесообразным является проведение исследований в таких направлениях, как разработка научно-технических основ создания комбинированного агрегата, осуществляющего обработку почвы зоны посева

¹Литвинов С.С., Быковский Ю.А. Бахчеводство: стратегия и перспективы развития // Картофель и овощи. – Москва, 2013. -№4.

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

с заданной глубиной и шириной, формирование поливной борозды одновременно с внесением удобрений и гарантированную заделку семени на заданную глубину, а также обоснование ресурсосберегающих параметров рабочих органов с высокими качественными показателями.

Данная научно-исследовательская работа в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях ПП-2694 от 23 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016-2020 гг.», ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. За рубежом проведены исследования по совершенствованию способов минимальной обработки почвы и посева, созданию машин и орудий, осуществляющих за один проход обработку почвы и посева, обоснованию конструкции и параметров их рабочих органов Г.Е.Листопадом, А.Н.Гудковым, А.Ф.Ульяновым, И.С.Егоровым, В.А.Федоровым, Б.Н.Емелиным, Л.Н.Чабаном, С.С.Литвиновым, Р.Д.Овезовым, П.Н. Бурченко, А.А.Вилде, Х.С.Гайнановым, по обоснованию конструкции и параметров машин для предпосевной обработки почвы в бахчеводстве В.Г.Абезином, Н.В.Алдошином, М.Ф.Степура, В.И.Малюковым, Н.Е.Руденко, С.Д.Стрекаловым, О.Н.Тереховым, по обоснованию конструкции и параметров бороздоделателей и сошников удобрителей Б.П.Луценко, Е.Ю.Раковым, В.В.Чаленко, М.Н.Шапоровым, В.П.Бороменским, В.Н.Белоконь и другими.

В условиях нашей республики созданием способов минимальной обработки почвы и комбинированных машин, а также их совершенствованием их занимались Р.И.Бойметов, А.Тухтакузиев, Т.С.Худойбердиев, И.Т.Эргашев, Б.М.Худояров, А.Н.Худояров, У.Х.Кодиров, С.Ж.Тоштемиров, научные исследования по разработке способов обработки почвы и агрегатов в бахчеводстве, обоснованию их технологических процессов работы и параметров проведены Ф.М.Маматовым, А.Д.Эмом, В.Н. Жуковым, Д.Ш.Чуяновым, Х.А.Равшановым, Х.А.Файзуллаевым, Б.К.Утепбергеновым и др.

Созданные в результате этих исследований различные машины и рабочие органы для осуществления процессов подготовки посевных площадей к посеву, внесения удобрений, формирования поливной борозды и посева применяются с определенными положительными результатами в сельскохозяйственном производстве.

Однако, в этих исследованиях не достаточно изучены вопросы

разработки способа основанный на процессы одновременной обработки почвы с заданной глубиной и шириной, формирования поливной борозды, внесения удобрений и посева семена бахчевых культур и агрегата для его осуществления, а также обоснования параметров рабочих органов.

